



## I ҚИСМ

Романи кулоқларга қарши кураш қатнашчиси, Улуғ Ватан уруши жангчиси ва девкор деҳқон бўлган марҳум дадам Сулаймонқул Эшматовнинг ёрқин хотирасига бағишлайман.

А в т о р.

### I

**В**ақт бешафқат. У орқа-олдига қарамай манзилдан-манзилга шундай ўтиб боради. Қаранг, хазонрез куз ҳам вақтнинг мунгли қўшиғини куйлаяпти. Жулдур кўрпадай титилган булутлар оҳиста сузиб юрибди. Вақт боғ-роғларнинг ясан-тусанни йиғиштириб, табиатнинг ёзлик либосини беаёв ечиб, борлиқни яланғоч қолдирыпти, гулларни сўппайтириб қўйяпти. Рўпарангиздаги кўча эшигининг икки ёни уч кесакдан урилиб, қолгани тикан қўра билан ўралган мана бу ҳовли ичкарига назар ташланг. Бостирма тагидаги айрим ёғочдан қурилган сўрининг тўрида ўшоққина кампир олача яқтакка ямоқ соляпти. Унинг ажиндор юзи шудгор қилинган ернинг шамолдан кейинги кўринишини эслатади. Қўллари томирнинг ўзи. Игнани қандай ушлаяпти экан? Сўри пойгагида иштонни киндигидан баланд кўтариб олган кўйлакисиз чол кампирга тикилганича ёнбошлаб ётар, кўксига тушган оппоқ соқоли, кўкракларигадаги оқ оралаган патила-патила жунлар, бунинг устига бир сиқим

бўлиб қолган гавдаси уни шундай файзсиз кўрсатардики, дабдурустдан кўрган киши чўчиши мумкин.

— Сарвинисо,— кампир игнага янги ип ўтқазишга уриниб-уриниб элломмай, охири неварасини йўқлади,— қарилик қурсин.

Бўғма ёқа бўз кўйлақда, ёши ўн беш билан ўн олти орасидаги ўрта бўйдан баландроқ, орқасига ташлаб қўйилган қора сочи икки қатор қилиб, майдалаб ўрилган, кўзлари катта-катта, ловиллаган, қошлари қоп-қора, елка ва сийналари эндигина тўлишиб келаётган қиз бостирмага туташ уйнинг дарчасини очиб, ичкаридан овоз берди:

— Лаббай, бувижон!

— Тилингдан айланай,— кампир камгап қизининг очилиб турганидан суюниб, қаддини ростлади,— манови ипни ўтқазиб бер, қизим.

— Ҳозир,— Сарвинисо югуриб чиқди. Ипни ўтқазиб бўлиб, чолга қаради.— Ота, похол қалин бўлди. Шолчаларни ҳам солиб қўйдим, сандалнинг пойгак тарафига полос етмаяпти.

— Ановини ташлаб қўйсак бўлади,— деди кампир чолнинг тагидаги эски тўшакни ишора қилиб.— Мана, похол ҳам тўшалди. Ҳадемай, сандалга кирамиз. Қариларнинг дуосида гап кўп, оппоғим. Айланиб кетай сендан, ўргилиб кетай сендан. Бахтинг очилсин, онагинам, бизга насиб қилмаган давлат қуши бошингга қўнсин.

— Умрингдан барака топ,— деди чол ҳам уни алқаб,— бошинг тошдан бўлсин, қизим.

— Бахт қуши эртақларда доим кал чўпонларнинг бошига қўнади-ку,— Сарвинисо кутилмаганда эркаланиб ҳазиллашди.— Чўлга чиқиб пойласаммикин?

— Омон бўлгур-эй, топиб гапирасан-да,— деб Эшмат ота соқолини тутамлаб жилмайди, кейин кампирга қаради.— Рустамжон бугун келиб қолар. Жумахшанба бўлмаса ҳам ош дамлайлик!

— Эртага пайшанба-ку, арвоқлар ҳам умидвор бўлиб келади,— деди кампир,— нафсингиз чирқилламай тура турсин.

— Рустамжон акамнинг келишларига палов қилсак,— Сарвинисо бобосини қувватлаб, бувисига жавдиради,— бугун аниқ келишади!

— Сен қаёқдан биласан,— кампир хавотирланди.— Сенга айтиб кетганми?

— Кўнглимдан ўтди.

— Бор,— кампир дарров тўнини тескари кийиб, Сарвинисога ўшқирди.— Ишингни қил.

— Хўп.

Сарвинисо бу гапга хафа бўлишни ҳам, бўлмасликни ҳам билмай, уйга кириб кетди. Қизиқ, Рустамжон акасининг Зеби билан ажи-бужи қилиб юрганини чолу кампир сезиб, гашлари келяптимикин? Ё: «Рустамжон Зебини-ку, сенга нима», деганларимикин. Кошки, Зеби унга лойиқ бўлса, унинг қадрига етса! Чолу кампирнинг кечаги гиди-бидисидан Сарвинисонинг хабари йўқ эди.

— Шаҳри,— Эшмат ота Салима холани катта қизлари Шаҳринисо номи билан атарди. У неваралари ҳақида суҳбатлашиб ўтириб, кўнглида анчадан бери тугиб юрган гапини тўқишга маврид қидирарди.

— Шаҳри,— деди у, яна,— бир гап айтайми?

— Айтинг.

— Сенга маъқул келармикин?

— Юрагингизга тош боғлагандай тугиб юрасизми?

— Қўй,— деди Эшмат ота шахтидан қайтиб,— кейин айтарман, яна ўйлаб кўрай-чи.

— Одамнинг ичини гуммиллатиб аввал гап очманг,— Салима хола чолни қистади,— ҳали ичимдан топлигингизни гўрга ҳам бирга олиб кетиб, мункарнакирнинг зардасини қайнатасиз.

— Гўрдан гап очма!

— Дунёга устун бўлмоқчимисиз,— кулди Салима хола. Қулоғим сизда дегандай яна чолига тикилди.

— Рустамжон ҳам, Зеби ҳам, Сарвинисо ҳам неварамиз,— гапни узоқдан бошлади Эшмат ота.

— Энди лақмалikka ўтинг,— ҳайрон бўлди Салима хола,— буни билмайманми?

— Шартакилинг опамга ўхшайди,— Эшмат ота шошилмади,— дарров гапни бўлмай қулоқ тутсанг-чи, ёшлигингдаги тезоблигинг қолмади-қолмади-да.

— Вой, гапира қолинг.

— Рустамжонга қайлиқ қидириб юрмасак.

— Нима, тоқ ўтсинми?

— Э, каллаварам, билиб туриб, билмасликка оласан,— овозини баландлатди чол,— мана Зеби, мана Сарвинисо бор демоқчиман.

— Йўқ,— деди Салима хола дарров.

— Нимага?

— Аввал қулоқ тутинг,— Салима хола ҳам бу ҳақда бир нималарни илгаридан чамалаб қўйганми — ўйлаб ўтирмади,— мен ҳам тарозига ҳўп солиб кўрганман. Қўйинг, уларни бахтсиз қилмайлик.

— Қизиқсан-а, бахтсиз қилайлик деяпманми,— ажабланди Эшмат ота,— турмушлари қандай қилсак ширин бўларкин деган ғамдаман!

— Рустамжонимиз алпомишдай йигит бўлди. Унга ким қизини бермайди,— Салима хола чолига сиздан кўра ақллироқман дегандай атайин салмоқланиб гапирарди,— уруғ-аймоғи ўзига тиргак бўладиган оиланинг қизига унаштирайлик. Болам шўрликнинг ҳам бундай косаси оқарсин. Невара қизларимиз бўлса, нақ нақш олманинг ўзи, ҳамманинг оғзида. Бойвачча йигитлардан чиқиб қолар.

— Ҳе, ҳе, гап бу ёқда дегин,— Эшмат отага Салима холанинг маслаҳати ҳақоратдай туюлди.— Ичимдан топ сенми-менми? Умринг мусофир, бунинг устига камбағал одам билан ўтганига ачиниб юраркансан-да!

— Буларники бошқа, ҳали бир-бирига кўнгил боғлаганлари йўқ,— Салима хола гапининг бунчалик оғир ботишини ўйламаган эди.— Биз кўрган қийинчиликларни болаларимиз кўрмасин дейман, холос.

— Сенингча бировнинг миннатли қўлига қараса ҳам маъмур-жаъмур яшаса бас экан-да, — Эшмат ота борган сари-тутақиб борарди,— нафси қулнинг — виждони ҳам қул, билдингми?

— Мен сизга оёқ-қўлини боғлаб берайлик деяпманми, — Салима хола бўш келмади, — ҳа, буларга ҳам кадр-қимматни биладиган топилиб қолар.

Ушанда Сарвинисо чорбоғдан чиқиб келиб, чолу кампирнинг суҳбати шу ерда узилиб қолган эди.

Салима хола эртаси куни яктакни ямаб бўлиб, Эшмат отага узатаркан, кечаги гапни бир ёқлик қилиб олайликмикин, бу чоли тушмагур тагин оғзидан гуллаб, ёшларнинг бошини айлангириб юрмасин, деган ўйда чолнинг авзонга қаради:

— Кечаги гап — гап,— деб қўйди.

— Хомтама бўлма,— Эшмат ота яктагини устига илиб, ўрнидан инқ-синқ билан кўзғалиб, устунга суёглик ҳассасини дўқиллатиб, кўчага чиқаркан, яна орқасига қайрилди, — қўй, кампиржон, ихтиёрни ёшларнинг

Ўзига бериб қўя қолайлик. Олдиндан ногора қоқмай қўя қолайлик ё секин кўнгилларига қўл солиб кўрайлик.

— Вой, миянгиз айниб қолибди,— деди Салима хола куюниб,— уларнинг ўзига қўйиб бериб бўладими?

— Кўп алжирама, невараларинг сендан кўра ақллироқ.

— Ҳаҳ, энди ақлсиз бўлиб қолдикми?

— Пешоналарига ёзилганини кўришар, бунча эзилмасанг,— Эшмат ота гапни кўпайтиргиси келмай кўчага йўл олди. У тилида эмас, дилида ҳам гапириб борарди,— бандасига қолса, нималарни хоҳламайди. Э, худо, ҳаммаси ўзингга аён. Ишқилиб бу болалардан ўз марҳаматингни аяма!

— Болаларнинг эртасини сира ўйламайди.— Салима хола чолининг орқасидан гудуллаб қолди.

Эшмат ота кўча эшик осгонасидан ўтиб, шахтидан тушди. Шу турганида қаёқларгадир бормоқчи, оёғининг чигалини, юрагининг хижилини ёзиб келмоқчи эди. Ҳовлидан кўчага илдамроқ чиққанига тиззалари қалтираб, нафаси оғзига тикилиб қолди. Баланд ва йўғон балиқ тут тагидаги супага ўтирди. Ҳассасини пешанасига тираганича нафасини ростлади. Офтоб чарақлаб турибди. Ёқимли шабада юз-кўзларини сийпалайди. Унда-бунда булутлар ҳориган туя карвонидай қаёққадири эринибгина сузаяпти. Эшмат ота оёғи тагига тикилди. Барглар, олтиндай ярақлаган сариқ, қизғиш, ним сариқ тут барглари энгил шабадада пилдираяпти, чирт-чирт тўкиляпти. Кечагина кўм-кўк эди. Умри абадийдай, ҳатто қаттиқ шамолга ҳам бўй бермас, шабадани эса, нимжонликда камситиб, шивирлашаётгандай бўларди бу барглар. Энди хиёлга тўкиляпти. Новдалар ўз файзини йўқотаяпти. Қизиқ, бир барг чирт узилди-ю, она тиззасидан тушишга инжиқлик қилаётган гўдакдай ҳавода бир дақиқагина муаллақ пилдиради ва тақдирга тан бергандай ерга шўнғиди. Вақт деган, табиат деган нарса шунақа, кутиб турмайди.

Ўтган-кетганни таниб-танитай, салом билан ўтганлар орқасидан қўлини соябон қилиб, бемадоргина тикилаётган Эшмат отанинг хаёлини яна тўкилаётган барглари илиб кетди. Бир вақтлар ўзини бугунгидай бемадор, илвираган ҳолда тушишини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Юрганида ер титрарди. Эсини, кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Кўзга ҳозиргиси кўринади. Назарида, онадан худди ҳозирги аҳволида туғилгандай.

— Ота,— ичкаридан Сарвинисонинг овози келди. Эшмат отанинг хаёли бўлиниб, ҳассасига таянганича ўрнидан турди.

— Чақирдингми, қизим?

— Бувим нега йиғлаяптилар,— деди Сарвинисо Эшмат отанинг яқинига келиб,— нимага хафа бўляптилар?

— Ўзидан сўра.

— Бувим отангдан сўра деяптилар,— Сарвинисо яна сўради.— Ҳеч хафа қилмасдингиз-ку?

— Ростини айтайми?

— Отажон, қулоғим сизда!

— Бувинг қариб қолдим деб йиғлаяпти,— Эшмат ота кулди,— бу кишининг кўнглига қаралса, ёшлигини қайтиб беришни даъво қилади.

— Шунақами, вой, бувижон-эй,— Сарвинисо югуриб бориб бувисини қучди,— хафа бўлманг, худди ёшлардай бардамсиз, бувижон!

Салима хола «гапни тўғрилашга келганда сизга етадигани йўқ» дегандай Эшмат отага ер остидан хийла юмшаб қаради. Назарида чоли кечагидан ҳам мункайиб қолгандай, қовоқлари кечагидан ҳам салқиб кетгандай, худди бугун-эрта хайр-маъзурни насия қилишга ҳозирланаётгандай кўриниб кетди. Яқиндагина қирчиллама йигит эди.

— Шаҳри, келинг, — деди Салима хола ийиб, — бу ёққа ўтиринг, толиқиб қоласиз.

— Сарвинисо, ажойиб бувинг бор-да! Бундай яхши аёлни бу дунё биринчи кўриши,— Эшмат ота Сарвинисонинг кўмаги билан сўрига чиқаркан, Салима холанинг дарров шахтидан тушганини «менинг мулоҳазам ёқиб қолди»га йўйиб, Сарвинисога қаради.— Акангдан бугун ҳам дарак йўқ!

— Ҳайдарали тушмагур бошқа ишларини ҳам тинчитиб олиш пайида яна олиб қолди-ёв уни,— Сарвинисонинг ўрнига Салима хола жавоб қайтарди,— Рустамжоннинг ўзи ҳам холасини ўларча яхши кўради.

— Норинисонг худди Шаҳринисонинг ўзи,— Эшмат ота кампирининг сўзини тасдиқламоқчи бўлди.— Рустамжон уни кўрса онасини кўргандай бўлади.

— Шўрлик етимчагинам,— Салима холанинг ўпкаси тўлди,— на ота, на она дийдорига тўйди.

Салима холанинг кўз ёши Сарвинисонинг кўнглини бузди. У ўрнидан туриб, ичкарига кириб кетди. Овоз

чиқармай йиғлаб-йиғлаб олди. Унинг ҳам онаси ёш ташлаб кетди. Рустамжонни ўйларкан, кўнглига дам қандайдир ғашлик, дам ўша бетайин ғашликни қувиб, ширингина, аммо нимагалиги номаълум ҳис-туйғулар кириб келди. Уларнинг тақдири бир-бирига ўхшаб кетади. Ҳозир Рустамжон акаси нима қиляпти экан! Ё Зеби билан... Чиндан ҳам уни севиб қолганмикан? Зебининг ўйи бошқа-ку?

«Рустамжон ака,— Сарвинисонинг дили пичирларди,— наҳотки, унинг баланд дорларга осилиш нияти борлигини сезмасангиз. Наҳотки, менга худди гўдак болага қарагандай қарайсиз. Зеби сизни билмайди, ё унинг чиройига учяпсизми? Майли эди, у сизни севса!»

— Сарвинисо,— Эшмат ота чақирди.

Ҳаётида ҳеч насиб қилмаган юзма-юз ширин суҳбат хаёлида ўтирган Сарвинисо чўчиб тушди. У ўзини тутиб, сўри ёнига борди.

— Рустамжон бугун ҳам ётиб қолди,— деди Эшмат ота,— жўхори туйиб қўя қол.

Эшмат отанинг гапи Рустамжоннинг кириб келишини кутиб турган Сарвинисонинг тарвузини қўлтиғидан туширди. Кўзига дунё жуда хунук кўриниб кетди.

«Ростдан ҳам Нор холамнинг уйидан ой кўрганми? Бувим билан отамнинг илҳақ бўлишларини ҳам ўйламайди,— ҳамон дилидан ўтказарди у,— менинг бунчалар орзиқиб кутаётганимни у қаёқдан билсин. Майли, мени севмаса севмасин, аммо Зебининг уни ўйинчоқ қилишига йўл қўймайман!»

## 2

Одамни кулфат қаритади, кулфат йиқитади. Эшмат ота билан Салима хола хийла мункайиб қолишди. Улар тенги қарияларнинг баъзилари тегирмоннинг тўқмоғидай тетик. Инсонга ота-она тепасида йиғлаш мерос, аммо фарзандга аза тутиш бутунлай букиб кетади. Янгиқўрғонга тушган тўнғич қизлари Шаҳринисо икки йил сирқовланиб юрди-ю, ахири пилдираб юрган ўғилчасини ҳам эпполмай тўққиз яшар катта ўғли Рустамжонга ташлаб қўйди. Бу орада соппа-соғ юрган эри Усмонали ака даладан қорнини чангаллаб келиб, кечаси билан инграб, тўлғаниб чиқди. Қишлоқ табибининг маслаҳати билан қорнига иссиқ лочира, қайноқ кепак боғланди. Қани, қор қилса! Эртасига чошгоҳ маҳали бир чинқирди-ю,

яна қайтиб овози чиқмади. Рустамжон нима бўлади? Шаҳринисонинг ич-этини шу ваҳима кемирарди. Эшмат билан Салима холанинг бир оёғи Шаҳринисоникидан узилмай қолди.

— Қизим,— деди бир куни Эшмат ота,— сени Бачқирга кўчириб кетайлик деб турибмиз.

— Рустамжон-чи?

— Ие, у қолармиди!

— Ҳовли-чи,— яна отасига маъюс қаради Шаҳринисо,— ахир бу Рустамжоннинг ватани!

— Тузалиб кетсанг ҳаммаси бўлади,— Эшмат ота қизининг кўнглига қаради,— элликбошининг тунов кунги гапи бўлса, қайнаганг сени кўкартирмайди.

— Отажон,— Шаҳринисо кўзига ёш олди.— Қуёвингизнинг укасида тирноқча меҳру оқибат бўлганда майлидди.

— Нима,— деди Эшмат ота ҳайрон бўлиб,— ундан ош-нон умидвор эмассан-ку!

— Ҳали акасининг бир ҳайити ўтмай бизни ҳовлидан маҳрум қилиш ҳаракатида юрибди,— Шаҳринисо тутақди,— хабарингиз бор-ку, уйни буларга топшириб бўладими?!

— Бўлмаса уйни сотамиз,— деди Эшмат ота,— ўша ярим таноб ерингни ҳам. Бачқирдан ўрнига ўрин ер оламиз.

— Уғлим ота жойидан айрилмасин,— Шаҳринисо «отамни хафа қилиб қўймадиммикин» деган андиша билан ширин сўз қидирди, ўзини соғлом гутишга уринди.— Отажон, бувим билан бирларинг қўйиб, бирларинг тез-тез келиб турибсизлар. Мана икки уй нарида Норинисо. Унинг ҳам бир оёғи шу ерда. Уйланг, биз кетсак, отасининг чироғини ким ёқади?

Шаҳринисо Рустамжоннинг эргасини ўйлаб, кўчишга унамади. Куз келиб, ярим таноб ердаги жўхорини Норинисонинг эри Ҳайдарали йиғиштириб, ўнта турмак қилиб, уй билан даҳлизнинг шифтига осиб ташлади. Совуқ туша бошлаган сари Шаҳринисо ичидан зил кетарди. Ерга гўнг ё тупроқ тушмади, бунинг устига ҳайдовсиз қолди. Уйнинг ҳамма иши Рустамжоннинг зиммасига тушди.

Кечаси билан йўталиб ухлолмай чиққан Шаҳринисо сандални бозиллатиб ўтирган Рустамжоннинг пешанасини силаб:



— Уғлим, Оққўргонга борсанг,— деди.

— Хосият холамникигами?

— Ҳа,— деди Шаҳринисо,— бувим чақиряпти дегин, иложи бўлса ўзинг билан бирга олиб кел.

— Хўп, буви!

Рустамжон ўрнидан даст туриб, ўчоқдаги қолган-қутган чўғни ҳам сандалга босиб, устига чойнакни қўйиб, зинғиллаганича чиқиб кетди. У тушдан кейин Хосият холаси билан кириб келди.

— Ўзим ҳам келмоқчи бўлиб тургандим,— деди Хосиятхон Шаҳринисони ўрнидан қўзғалишига қўймай кўришаркан, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Опасининг ранги олқиндининг ўзи. Эти эса суюгига ёпишиб кетибди. Қаёқдан чалинди экан бу бедаво дардга. Хосиятхон Шаҳринисога яқинроқ ўтирди.— Опа, Рустамжонингиз ажойиб йигит бўлади-да.

— Бўлалиги отасига тортди,— деди Шаҳринисо хиёл очилиб,— гурс-гурс юришлари ҳам.

— Умри ўхшамасин,— деди Хосиятхон. Яна опасининг кўнглини ёзиш учун сўради:— Қош-кўзлари-чи?

Шаҳринисо опа кулимсирагандай бўлди-ю, индамади.

— Қош-кўзлари жимирлайди,— гапани давом эттирди Хосиятхон,— худди ўзингиз.

— Умри ўхшамасин,— Шаҳринисо маъюсланди,— умри узоқ бўлсин.

— Нега ундай дейсиз,— Хосиятхон ўзини тутиб, опасига «ноумид бўлманг» маъносида тикилди.— Опа, ундай деманг, ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетасиз.

— Ҳар кимнинг дарди ўзига маълум,— деди зўр-ба-зўр лабини қимирлатиб Шаҳринисо синглисига дил ёриб,— эҳтимол тузаларман. Сенга айтадиган гапим бор.

— Айтинг, опа!

— Сингилжон,— Шаҳринисонинг томоғига нимадир тикилди,— дадам билан бувим қариб қолишди.— Норинисо қайноғая қайни-сингиллари билан қайнаган, бир умидим сендан.

— Ахир биз опа-сингилмиз-ку,— Хосиятхон дили эзилиб опасига таскин бера бошлади,— бир-биримиздан яширадиган сиримиз йўқ.

— Дадам билан бувим ҳам қариб қолишди,— так-рорлади Шаҳринисо.

— Ҳа,— деди Хосиятхон,— бахгимизга умрлари узоқ бўлсин!

— Хосси,— деди Шаҳринисо бир оздан кейин.— Сенга ишонаман. Худога шукур тетикман-у, яна иссиқ жон, синглим, Рустамжонни бағрингдан қўйма. Сарвинисонинг қаторида кўр!

— О-па-жон!!!

— Ахир иссиқ жон-да!

— Ундай деманг!

Учоқ бошида уларнинг сўзини эшитиб турган Рустамжоннинг ўпкаси тўлди. Сездириб қўймаслик учун ичида йиғлади, охири ўзини ушлолмади. Йиғи томоғига тикилиб келди. Ҳовлига чиқиб, юрагини бўшатмоқчи бўлиб, остона ҳатлади, яна ичкарига мўралади, кўзи бувисига тушди.

— Бувижон, дадам кетган ёққа сизни юбормайман,— пиқ-пиқ йиглаб келиб бувисини қучоқлади.— Жон буви, мени ташлаб кетманг, мен ҳеч ёққа бормайман. Сизни ҳам ҳеч ёққа қўймайман, буви!

— Бувинг ҳеч қабёққа кетмайди,— деди Хосиятхон Рустамжоннинг бошини силаб.

— Йиғлама, ўглим,— Шаҳринисо тетиклашгандай бўлиб гапирди.

— Энди йиғламайман!

Рустамжоннинг ҳозирги ҳолати тўққиз яшар болага сира-сира ўхшамасди. Рустамжон холасининг қистови билан «ўйнаб келиш» учун кўчага чиқаётганида ҳовлининг ўртасидаги қўра орқасидан амакисининг хотини Сиддиқа буви уларникига қулоқ тутиб турарди. У кўчага чиқиб кетаётган Рустамжонни имлаб чақирди.

— Бувинг тузукми?

Рустамжон «ҳа» деди-ю, кўчага чиққиси келмай, яна ичкарига кирди. Бувиси билан холасига бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, негадир гапиргиси келмади.

— Ие, отам,— Рустамжон ҳовли ўртасидаги устунга эшагини боғлаётган бобосини кўриб, ташқарига югурди.

— Индинига келишмоқчи эди,— Шаҳринисо хавотирланди. Эшмат ота кириб келиб ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин сўради:— Айтганингиздан эрта келибсиз?

— Совуқ тушиб қолди,— деди Эшмат ота дарров мақсадга кўчиб,— кел, қизим, қиш ичи бувингни олдида тур, эрта баҳор яна олиб келиб қўйман.

— Шундай қилинг, опа— Хосиятхон отасининг гапига қўшилди.— Одам дардини одам кўтаради.

— Нима ҳам дердим,— Шаҳринисо ихтиёрни ноилож отасига ташлади,— бир у ёққа, бир бу ёққа кўчиб, мана шу сағирни ватансиз қолдирмасак бўлгани.

— Бош омон бўлса, уй топилади,— Эшмат ота «аҳволингни қара, ўзингни ўйласанг-чи» демоқчи бўлди-ю, қаттиқ ботмасин деб фикрини юмшоқроқ сўзлар билан ифодалади.— Бошингни кўтариб қолсанг, nasib этса, баҳорга чиқиб олайлик, иморатингни янгилаймиз. Богимиздаги тераклар етилиб турибди.

— Хўп денг, опа,— Хосиятхон ҳам илтимос қилди.

— Майли!

— Гап бундай бўлибди, қизим,— қизининг розилигидан дадиллашган Эшмат ота шифтдаги жўхори турмакларини Хосиятхон кўмагида бирин-кетин туширди. Шаҳринисо кўрсатган энгил-елли, зарур рўзгор буюмлари, кўрпа-ёстиқларидан бир-иккигаси, Рустамжонга аталган бисотлари қўйилган сандиқдаги туғунча эшак аравага олиб чиқилди. Эшикка қулф солинди.

— Яна эсон-омон дийдор кўришайлик,— деб Шаҳринисо юзига фотиҳа тортди. У зимдан хайрлашгани ҳам чиқмаган анови овсини, қўни-қўшнилари, ҳовлиси билан хайрлашаяптими — билиб бўлмасди.

«Хайр, келинчақлигим ўтган ҳовли,— ўзига ўзи пичирлади Шаҳринисо синглисининг ёрдами билан аравага чиқаркан,— ишқилиб, Рустамжон довдирамасин!»

Қиш ҳар доимгидан илиқ келди. Эшмат ота билан Салима хола «Шаҳринисо қиш ичи бир нима бўлиб қолмасайди» деб қўрқинган эди. Йўқ. «Дард бошқа — ўлим бошқа» экан. Йўтали қийнади. Кўкнорининг толқони бакор келди. Оз-оздан бўлса-да, кўзи илиниб турди. Эшмат ота қўли бўшади дегунча Рустамжонни эргаштириб, Янгиқўрғондан хабар оларди. Шаҳринисо қиш этаги йиғиштирилмасдан «олиб бориб қўйинг»га тушиб қолди. Хаёлида ўша уйга борса — оёққа туриб кетадигандай, Рустамжоннинг дадаси кўзлари тўрт бўлиб кутаётгандай. Янгиқўрғонга кўчмасларидан бир кун бурун Шаҳринисонинг тушига Усмонали ака кирди. Уша ҳовлилари. Усмонали аканинг ёш куёвлик вақтларидаги юриши... Уй унинг кулгиси билан тўла эмиш. У уйнинг ҳали у, ҳали бу бурчагига чироқ ёқармиш. Рустамжонга бир чироқ тутиб: «Бу сеники, ўчирма», «Ё сени олиб кетай-

ми?»— деб эркалармиш. Уй ичкарисида сочини ёйиб ўтирган Шаҳринисо: «Ҳой, Рустамжонни қаёққа олиб бормоқчисиз?»— деб ота-болага қараб кулиб турармиш. Шаҳринисо: «Болани ташлаб кетинг», деб чўчиб уйғонди. Тушидан таъби тирриқ бўлди.

«Уйни чироқсиз қолдирдинг, деб ранжибди-да,— деб кўнглидан ўтказди Шаҳринисо. Яна ўйга ботди. Хаёлига нималардир келиб, тушига ўзича таъбир бериб, вужудини ваҳима босди. Марҳум эрига унсиз илтижо қилди.— Менинг новдасида нобуд бўлган тўражоним, бугуноқ кўчиб борамиз. Фақат бизга тегманг, жон тўра, жойингиздан қимирламанг, Рустамжонга тегманг, уни ҳеч ёққа олиб кетманг, ахир икковимиздан қолган ёдгорлик ёлғизгина шу бола-ку!»

Уша куни Шаҳринисо оёқ тираб туриб олди. Эшмат ота эшак аравани қўшди. Турмакланган жўхори бошлари қандай олиб келинган бўлса, ўшандай яна аравага кўч билан бирга ортилди. Тушдан кейин Янгикўрғондаги ҳовлининг эшиги очилди. Мунғайиб қолган ҳовлига дарров файз киргандай, гўё бу ердан ўтган жами арвоқлар «яхши келдиларинг, бежавотир бўлинглар, сизларни ҳамма бало-қазодан сақлаймиз» деяётгандай бўлди.

— Мана, ўғлим, ўзимизнинг уйга келдик, — деди Шаҳринисо Рустамжоннинг елкасини ушлаб,— ёшинг ҳам ўнга етиб қолди. Энди ўз кўмочимизга ўзимиз кул тортайлик.

— Буви, Рустам акамлар келишди,— қўранинг нарёғидан қизчанинг овози жаранглади,— Шаҳринисо холамини ўлади девдингиз, ўлмабди-ку!

— Овозингни ўчир,— қизни жеркиди онаси,— силни яна пешанамга олиб келибди-да. Ота-онаси ҳам сиғдирмабди.— Яна қизига жавради:— Уларникига қадам қўя кўрма.

Уртадаги қўрадан бўлак тўсиқ йўқ. Овсинининг гапини шундайлигича эшитган Шаҳринисонинг кўнгли озиб, ўзини билмай қолди. Эшмат ота шошиб, қизининг оғзига сув томизди. Рустамжон чинқирди. Шаҳринисо алламаҳалдан кейин кўзини очди. Эшмат ота ҳовлига чиқиб, паст овоз билан марҳум Усмоналининг иниси Шерқўзини йўқлади. Қўра орқасида бу ёқни пойлаб турган Сиддиқа буви Эшмат отага ўзини сездирмай оёқ учида уйига кириб олиб, ичкаридан овоз қилди:

— Йўқлар!

Эшмат ота Шерқўзининг йўқлигидан афсусланди. «Бай-бай, одам ҳам шунақа заҳар-заққум бўладими? Бунча куткилашмаса, аҳволини кўриб туриб, ачинишни билишмайди-я». Эшмат ота Шерқўзини суяк-суягидан ўтказиб тузламоқчи эди. Эсиз. У қишлоқ эллиқбошиси билан учрашиш ниятида кўча эшик остонасигача бориб, изига қайтди. Ёши бир жойга бориб, ташвишлар билан чўкиб қолган бўлса-да, қарилikka бўй беришни истамаган бу мўйсафид гурс-гурс қадам босиб, ичкарига кирди.

— Қизим, жон қизим,— деди у Шаҳринисонинг қаршисига чўккалаб,— қари билганни пари билмас, дейдилар, кел, шу ҳовлингнинг баҳридан ўт, бу бетовфиқлар билан ён қўшни тугул, гўр қўшни ҳам қилмасин!

— Уларнинг шамини ёндириб-а,— Шаҳринисонинг сўзи қатъий эди,— дадажон, улар мана бу бир парча ҳовлини ўзлариники қилиб ололмаганларининг аламига чидашолмаяпти.

— Шулар тўйсин, савдога қўямиз,— Эшмат ота ҳам сўзида туриб олди.— Қўлларидан келса нариги дунёга ҳам кўтариб кетишсин!

— Улар менинг ўлимимни кутишяпти,— Шаҳринисо йиғларди-ю, кўзига нам келмасди.— Дада, мана кўрасиз, мен ўлмайман, Рустамжонимни қолдириб кетолмайман— у ўглини қучди.— Дадасидан қолган ёдгорим, сира йиғлама, ўлмайман. Сенинг орзу-ҳавасингни кўрмоқчиман!

Шаҳринисо астойдил йиғлади. Майли, эшитишса эшитишсин, бу охирги йиғиси. Рустамжон ҳам дам бобосига, дам онасига жавдираб йиғлар, онасининг йиғиси эмас, Эшмат отанинг ҳам киприкларидан думалаётган ёш бола фақирнинг мурғак кўнглини эзгиларди.

— Йиғини бас қил энди,— Шаҳринисо худди дарддан бутунлай хориж бўлгандай ишонч билан сўзларди. Яна ҳалиги гапини қайтарди,— худо мени кечирсин-у, ўғлим, ўлмайман, дедимми, ўлмайман.

Эшмат ота беихтиёр:

— Парвардигорим, ўзингга осон,— деб такрорларди.

«Одамнинг олasi ичида, ҳайвонники ташида» нақли бекорга тўқилмаган. Усмонaли aka вафот этмасдан бу-

рун овсинлар орасида, ўртадаги қўрани нари қурилди-бери қурилди деган бир-икки ғиди-бидини ҳисобга олмаганда, айтарлик кўнгил қоладиган гап-сўз ўтмаган. Бари ҳангома Усмонали аканинг худойсидан кейин бошланди. Уша кун и ҳам, эртасига ҳам кечқурун Шерқўзи билан хотини Сиддиқа буви қуръонни Шаҳринисонинг ёнида ўқишди. Ўзларини Шаҳринисонинг бирдан-бир яқин одами қилиб кўрсатиб, ҳали у ёқдан-ҳали бу ёқдан гаплашиб, ярим кечагача ўтиришди. Шу орада Сиддиқа буви қизи Маъфиратни уйига олиб кириб, ухлатиб чиқди.

— Менинг аҳволим бу, Рустамжон билан Акбаржоннинг ҳоли нима кечаркин,— деди суҳбат орасида Шаҳринисо Шерқўзини яқин олиб,— гўдақларимнинг пешанасига отадан битмаган экан. Ишқилиб...

— Кўнглингиз хотиржам бўлсин,— эрдан бурун Сиддиқа буви бидиллади,— амакиси ташлаб қўярмиди. Мен бўлсам, бола десангиз жонимни бераман.

— Ҳали бу касалликни кўрмагандай бўлиб кетасиз,— деди Шерқўзи хушомадгўйлик билан, — Рустамжонни ўкситмаймиз. Ахир у акамнинг ўғли-ку!

— Бошим осмонга етди,— миннатдорчилик билдирди Шаҳринисо,— худога шукур, катта отаси, бувиси, хоалари бор-ку ҳарқалай...

— Нималар деяпсиз,— Шерқўзи шошилиб гапни илди,— катта отаси, хоалари дейсизми?!

— Ҳа!

— Улар ўзингизники бўлса ҳам, ҳар ҳолда...— деди ўйга ботиб Шерқўзи,— «узоқдаги буғдойдан яқиндаги сомон яхши».

— Тўғри,— хотини тасдиқлади.

— Опа,— деди Шерқўзи худди кутган пайти келгандай меҳрибончилигини сўз билан ошириб-тошириб,— элликбоши билан қишлоқ имомини айтдириб келсак.

— Нимага?

— Кўнглингизга бошқа гап келмасин, отасининг йўқлигини билдирмаслик учун айтяпман, иккала болани менинг номимга хат қилиб берсангиз,— Шерқўзи уй билан ерни ҳам айтиб юборай, айтиб юборай деди-ю, болаларга розилик берса, бу ёғи ўз-ўзидан ҳал деб ўйлаб, яна Шаҳринисонинг кўнглини овлашга тушди.— Ўзингиз биласиз, бизда ўғил йўқ, иккита ўғиллик бўлдим, деб уларни бошимизга кўтарамиз.

— Айтдим-ку овсин,— Сиддиқа буви яна эрига қўшилишди,— илҳақ бўлманг, сиз ҳам, болаларингиз ҳам биз оч бўлсак оч, тўқ бўлсак тўқ...

— Акангизнинг арвоҳи ҳам эшитиб хурсанд бўлаётгандир,— Шаҳринисо кўнглига ғашлик туша бошлаганини сездирмай миннатдорчилик изҳор қилди.

— Арвоҳни қақшатган кўкармайди,— Шерқўзи яна баландлади.

— Рустамжоним ажойиб йигит бўлади, ҳеч кимнинг яхшилигини ерда қолдирмайди,— Шаҳринисо очилиб гапирди.— Дадаси ҳам «ўғлинг ғалаги йигит бўлади» деб оғзидан қўймасди.

— Нима қилай,— Шерқўзи фурсатни қўлдан чиқармаслик учун суҳбатни яна ўша мавзуга бурди,— эртага айтиб келайми?

— Кимни?— Шаҳринисо кўнглини безовта қилаётган хижиллик сабабини фаҳмлади, ўзини билмасликка олиб сўради.— Кимни айтиб келасиз?

— Эллиқбоши билан имомни дедим-ку,— Шерқўзи ичида ғаши келса ҳам тилёғламаликка ўтди.— Бехавотир бўлинг демоқчимиз.

— Шошилишнинг нима ҳожати бор,— Шаҳринисо Шерқўзининг таклифига раъйи йўқлигини сездириб қўйди.

— Болалар кейин у ёққа торт-бу ёққа торт билан сарсон бўлиб қолмасин-да,— Шерқўзи йўл қидиришга тушди.

— Қандай яхши, болаларим арзанда бўларкан,— Шаҳринисонинг бу гапи киноями ё жўнми, эру хотин билолмади.

— Ҳарқалай, хат қилиб қўйсак,— Шерқўзи яна ўша гапни такрорлади.— Ҳарқалай, бехавотир бўласиз.

— Яна маслаҳатлашиб кўрармиз,— Шаҳринисо Шерқўзининг қисти-қафасга олаётганидан очиқ-ойдин шубҳаланди.

— Хайр, майли,— Шерқўзи билан Сиддиқа буви алламаҳалдан кейин қўзғалишди. Улар Шаҳринисони хийла ийдириб олдик деган ўй билан уйларига киришди.

— Дадаси,— деди Сиддиқа буви ўз остоналарига қадам қўйишлари билан,— анови қариндош-уруғларига маслаҳат солса, иш пачава бўлади. Бемаза қовундай бир серуруғки...

— Эртагаёқ элликбошининг ўзини олдига киритаман.— Шерқўзи ҳали хаёлига келган фикрни айтди.— Сандигингдаги лас кўрпалик элликбошига насиб қилди шекилли.

Шерқўзи элликбошиникига бориб келгандан кейин нонуштага ўтирди. Элликбоши: «Сен турганда болаларга ҳам, ҳовлию ерга ҳам ҳеч кимнинг тиши ўтмайди», деб ишонтирибди. Бугун тушдан кейин боришга ваъда берибди. У айтганини қилиб вақтида келди. Тўппа-тўғри Шаҳринисо ўтирган уйнинг даҳлизига кирди. Эшмат ота келган экан.

— Э, келинг, мулла Ашур,— деб Эшмат ота элликбошини кутиб олди. Шаҳринисо юзини рўмол билан тўсди.

— Ўзингиз келинг, — элликбоши ноқулайлик сезиб тараддудланди.— Жуда вақтида келибман,— ўзини ўнглаб, билармон кўрсатиб, бу дунё, у дунё ҳақида оғзига келган гапларни қайтармади. Гап орасида бу ерга келиши сабабини айтиб қўя қолди.

— Бу фикрдан Шерқўзи воқифми?— Эшмат ота элликбошига тикилди.— Ҳали раҳматлик Усмоналининг қабридаги буғ кўтарилиб улгурмаган-ку!

— Бундан Шерқўзи хабарсиз,— элликбоши каловланди,— қишлоқ оқсоқоли бўлганиндан кейин ҳамманинг ғамини ер экансан. Гўдакларингизни ўйладим.

— Гўдаклар кўчада қолмайди, — деди Эшмат ота,— улар ўзимиздан ортмайди.

— Тўғри,— деди элликбоши худди хон ҳукмини ўқиётгандай ишонч билан,— бола кимга ўтса мана бу ҳовли билан ярим таноб ерга ўша эгалик қила бермайди-да! Булар Усмонали билан Шерқўзининг мероси. Шунинг учун болалар ҳам унга қолсин девдик.

— Ака-ука бир-биридан қарздор эмас,— Шаҳринисонинг иззат-нафсига тегди.— Ери бошқа — уйи бошқа.

— Ҳали онаси ҳаёт,— Эшмат ота қизи айтолмай турган гап билан «бунга ҳам жавобингиз борми» дегандай элликбошига нафрат билан кўз қадади.— Улим ҳаммага баробар-ку, бунча шошилиш кимга зарур.

— Ҳали ўлганим йўқ,— охири Шаҳринисонинг тоқати тоқ бўлди.— Наҳотки, тезроқ ўлишим керак?!

— Бунга ҳеч ким тилаётгани йўқ,— деди элликбоши тилёғламаликка ўтиб,— тузалгунингизча болалардан ташвишланманг деган ният билан..



— Узингни бос, қизим,— кўпни кўрган Эшмат ота элликбошини ранжитишни истамасди.— Мулла Ашур сенга, болаларингга ёмонликни раво кўрармиди.

— Албатта,— жонланди элликбоши,— улусдан бошқа нима ташвишимиз бор.

— Хато кетсам, худо кечирсин,— деди Шаҳринисо ўзини ушлолмай. У Шерқўзи билан Сиддиқа бувининг бу ерга қачон чиққанидан тортиб, нима гап ўтганигача қолдирмади. Аммо қўшиб чатмади ҳам.— Фикри ожизимча,— деди у охирида,— улар сиздан мадад сўраб борган кўринади.

— Худо шоҳид,— деди элликбоши тониб,— бу ўзимнинг ўйим. Шерқўзини худойи кунидан буён учратганим йўқ.

— Яна мавриди билан маслаҳатлашармиз, — Эшмат ота элликбошини хижолатдан чиқармоқчи бўлди.— Қани, бўлак гапдан суҳбатлашайлик.

— Вақтим тиғиз,— элликбоши каловланиб бу ердан тезроқ гумдон бўлиш пайига тушди. Чиқиб кета туриб, жуда ночор қолганини, шармандаи-шармисор бўлганини бўйнига олгиси келмай, остонадан ўтиб, қатъий гапирди:— Унутманглар, нима ўйга борсаларинг ҳам бизсиз битмайди.

Эшмат ота элликбошини кўча эшиккача кузатиб қайтди. Дили гашланди. Ҳалигина қизини бир нави дадил кўриб, кўнгли хонани тўлдириб турган шамдай ёришган эди. Энди уни қандайдир пасткаш ўчирди-қўйди. У қизига далда берди.

— Хафа бўлма, қизим,— деди у,— дунёда ҳар хил одам бор.

— Дада,— деди Шаҳринисо тўлқинланиб,— ҳозирги ўйларим илгари бўлганида, ўлимни ҳозиргидай ёмон кўрганимда, бу дарднинг илашишига йўл бермасдим.

Шаҳринисо ўзини дадил тутишга уринарди. Шерқўзиларга ўчма-ўч яшашни истарди. Улар ҳар дақиқа шу тарафга қулоқ тутиб, унинг ўлимини кутишаётгандир. Қани, бугун ҳам чиқишармикин? Йўқ. Шерқўзи билан Сиддиқа буви ҳатто ўз ниятларини пинҳона тутиб, тишининг оқини кўрсатиб туришни ҳам эплашолмади. Ҳеч гапдан-ҳеч гап йўқ кирди-чиқди узилди-қолди. Шерқўзи акасининг йигирмасига эл оғзига тушмаслик учун кўп қатор кириб, кўпчилик қатор чиқди. Шаҳринисо эса, фақат бир нарсани — болаларининг бахтига соғайишни

Ўйларди; бутун вужуди билан ўлимни енгиш ҳаракатида эди.

«Камбағалнинг ови юрса ҳам дови юрмас» дейдилар. Яна «худо урганни пайғамбар ҳам ҳассаси билан туртибди» деган нақл ҳам бор. Шаҳринисо ўзини қўлга олиб, бир нави бўлиб турганида, Усмоналининг қирқи арафасида қизамиқ ичига уриб, кенжаси Акбарни олиб кетди. Узлари билан бўлиб, Акбарнинг қизамиғини «қиш бошидаги тумов-пучқоқ» деб доғда қолишти. Қариндош-уруғлару маҳалла-кўй Шаҳринисони энди татом бўлдига чиқариб қўйишти. Буни мутлоқ сездиришмаса ҳам Шаҳринисонинг ўзи биларди. Бу мусибат уни ўзига қаттиқ бўлишни, ўзини беҳудага койитмасликни ҳар нафасда эслатиб турарди. Ҳали ҳаётдан умиди кўп. Рустамжони бор. Ҳеч бўлмаса, у ақлини таниб олсин! Одамлар кутгандай Шаҳринисо йиқилмади. Лекин набираларининг доғи Эшмат ота билан Салима холани анча чўктириб кетди.

— Шаҳри тинч турсин,— деб илтижо қилади Эшмат ота худога,— ўзинг кўриб турибсан-ку, эгам.

— Бу ёғига энди тинч бўлайлик,— дерди Салима хола ҳам юрган йўлида,— биздан ўтган бўлса кечир, парвардигорим.

— Бу қайсаринг гапга кўнсаки, кўчириб кела қолсак,— деди қизиникига бир ҳафтадан буён боролмаган Эшмат ота,— ўша хосиятсиз уйга ёпишиб олган.

— Бу ерда бир қишни зўрға чиқарди-ю,— деди Салима хола,— уйига бориб олгунча жони ҳалак бўлди. Бугун бир ўтиб келсангиз.

— Шунини ўйлаб турибман,— Эшмат ота эшагини эгарлагани оғилга йўл олди,— охири бахайр бўлсин!..

Эшмат ота кириб келганида, Шаҳринисо ўчоқ бошида ўт қалаб ўтирарди. Ота буни кўриб, севинчдан боши айлангандай бўлди. Бир ҳафтада шунча ўзгариш! Бунчалигини билганда кампирини ҳам олиб келарди. Салима хола кўнгли чироқ ёқса ҳам ёришмай, хавотирлик билан «хушхабар олиб келинг» деганча қолган эди. Шўрлик. Шуларни кўнглидан ўтказган Эшмат ота қизи ўрнидан туриб келиб, елкасидан олиб кўришганда худди шаҳар олгандай бўлди.

— Боягидай бўлиб кетасан, қизим,— Эшмат отанинг юраги хурсандчиликдан тез-тез тепарди.— Ўзингга ишон-япсанми, бас!

— Узингизни олдириб қўйибсиз, дада,— Шаҳринисо отасини анчадан буён энди кўраётгандай кўзини узмасди. Ҳақиқатан ҳам ўз дарди, ташвишлари билан бўлиб, на отасига, на онасига ҳозиргидай қараган эди. Отасининг икки бети худди тандирдан янги узилган нондай қип-қизил эмасмиди. Яримта бўлиб қолибди. Шаҳринисога шунчадан буён онасига разм солмагани алам қилди. У ҳам отасидан кам эмасдир.

— Бундай ўзларингга ҳам қаранглар-да,— деб ачинди Шаҳринисо.

— Рустамжон қани?— гапни бошқа ёққа бурди Эшмат ота.

— Ҳамроқул бойнинг отларини суғоргани кетди,— деди Шаҳринисо,— бой буванинг оқсочи қизлар кампир: «Ўғлингиз ҳар куни пешин маҳали бойнинг тўрттала отини Жарариқдан суғориб келсин. Эвазига ерингизни ҳайдатиб, сувингизга қарашади. Бойнинг ўзи айтди», деб келган эди. Неварангизнинг ўзи индамасимдан югурди. Отга ишқибоз.

— Муштдай бошидан бойнинг хизматига киргани яхши бўлмабди.

— Майли, кўзи пишади, — деди Шаҳринисо.

Эшмат ота бир пиёла чой ичиб, изига қайтмоқчи эди. Рустамжонни кўрмай кетишга кўзи қиймай ўтирди. Сиддиқа бувининг тунов куни қўра орқасидан «ота-онаси ҳам сиғдирмабди» деб шанғиллаганини эслаб бир музлади. Шаҳринисонинг гимирлаб қолгани қувват бағишлади. Рустамжон кўчадан оғзи қулоғида кириб келди. Дўпписи қўлида. Худди бир дунё топиб келгандай.

— Дўппингдаги нима?— ажабланиб сўради Шаҳринисо.

— Сизга!

— Қани, кўрсат-чи.

— Мана!

— Майиз-ку— Эшмат ота Рустамжоннинг елкасига қоқди. — Тилло-пилломи дебман.

— Ким нима берса олавермайди. Уят бўлади,— деди Шаҳринисо,— уқдингми?

— Буни,— деди Рустамжон,— бой бувамнинг ўзлари беришди.

— Бой бува дейсанми?— ҳайрон бўлди Шаҳринисо.

— Бой бува дейсанми?— Эшмат ота ҳам сўради.

— Ҳа,— деди Рустамжон,— бой бувам мени яхши

кўрарканлар. Манови отларнинг бири ўз-ўзингники дедилар. Энди отларни суғоргани олиб борганимда ўшанисини минаман.

— Яна нима деди?— саволга тутди Эшмат ота.

— Ўзим сени ясатиб қўяман дейишди.

— Кўнглимга келувди-я!— Эшмат ота тиззасига шаппалади.— Ҳамроқул бой бурганинг ёғини ялаган одам.— У хомушроқ бўлиб қолган Шаҳринисони огоҳ-лантирди.— Шу кафтдек ҳовлинг билан бир парча еринг Рустамжоннинг бошига бало бўлмаса деб қўрқаман.

— Мен тирикман-ку,— Шаҳринисо кўп айтган гапини қайтарди,— бунча ташвишланмасангиз.

Эшмат ота индамади. У Шаҳринисо кўнглини нима билан овунтирса шунга хурсанд. Шаҳринисонинг аҳволи тоғ ҳавосига ўхшайди. Тузалиб қоляпти деб суюнмаса ҳам, оғирлашди деб ортиқча қайғурмаса ҳам бўлади. Қўзғалмоқчи бўлган Эшмат ота Шаҳринисонинг ранги ўзгариб бораётганини фаҳмлади. Шаҳринисо ўзини ўнғаролмай сандалга сирғалиб ёнбошлади, кўзлари нурсизланди. Кейинги вақтда хийла тузалиб бораётган бўлса-да, юраги ўқтин-ўқтин бесаранжомланиб, қолдан тойдираётган эди. Яна юраги безовталана бошлаганди. Эшмат ота нима қилишни билмай тик турганича, беморнинг у тарафидан бу тарафига ўтарди, холос.

— Сув,— бир неча дақиқадан кейин Шаҳринисонинг лаби билинар-билинемас қимирлади.

— Мана,— Рустамжон бобосига сиз тутинг ишораси билан пиёла узатди.

— Дада, шу ердамсиз, Рустамжон шу ердами,— Шаҳринисонинг кўзини очиб, ҳушини йиғиб айтган биринчи гапи шу бўлди. Қулимсиради. Тик турган Рустамжонни ўтиришга имлади.

— Қўрқма, ўғлим,— деди у жонланиб,— деҳқончиликни бу йил икковимиз қиламиз.

#### 4

Ҳамроқул бой ваъдасининг устидан чиқди. Шаҳринисолар отасиникидан кўчиб келганининг учинчи ҳафтасида Усмоналидан қолган ярим таноб ерни бойнинг қўшчилари чуқур ҳайдаб берди. Рустамжоннинг юмушига юмуш қўшилиб, энди мол-қўйларнинг тагини янгилашда Раҳим лайлакка қарашарди. Бойнинг орага туш-

гани ер тагида илон қимирласа ҳам қулоқ тутиб, бирор нимани илғаб олиш пайида юрган Шерқўзи билан Сиддиқа бувини оёғи куйган товуқдай питиллатиб қўйди. Бошларига қаттиқ ташвиш тушди. Агар бой акасининг ерини ўзиники қилиб оладиган бўлса, Шерқўзининг унга туташ ери ҳам паққос кетади. Бой орага суқилиб кириб олдимиди—эвини топади. Оғзингдаги тишлаб турганингни ҳам ўз қўлинг, ўз розилигинг билан узатганингни билмай қоласан. Шерқўзи акасининг мулкига тузоқ қўяман деб, ҳали ўзиникидан ажралмаса эди. Бойнинг режасини қандай қилиб бузса экан?! Эру хотин ўйлашиб-ўйлашиб охирига етолмай, яна элликбошининг қўйнига қўл солиб кўришни маъқул топишди.

— Қандай маслаҳат берасиз?— Шерқўзи элликбоши ҳузурида қўл қовуштириб гапни, «суянган тоғимиз фақат сиз», деб бошлади.— Келинингиз билан маслаҳатлашдик. Ер қўлимизга кириб қолса, уч йилгача ярим ҳосили сизга капсан.

— Бир йўли бор,— деди элликбоши соқолини бармоқлари билан тараб,— онаси ўлмасдан бурун шўртумшуқ жиянингни бойнинг хизматидан қайтариш йўлини қидириш керак. Боланинг ўзи оёқ тирагани яхши! Режамизни бой сезиб қолгудай бўлсамиди — у кунни худо кўрсатмасин, бошимизга бало ёғилади. Ҳамма гап боланинг ким билан бўлишида!

— Маъқул!

— Сендан ҳеч ким гумонсирамайди, ҳақинг ҳам бор — амакисан,— деди элликбоши,— акам ўрнини йўқотмайман деб, болани ёнингга ол. Боланинг ўзи сенга тармашса, бойнинг дами ичида қолади. Ахир у бегона-ку!

— Хати нима бўлади?

— Бунисини бизга қўйиб бер,— элликбоши кўзларини айёрона қисди.— Ер ўзингники бўлади. Лекин, сендан у гина — биздан бу гина дейдилар. Келаси йил ўртанчамни уйлантирмоқчима. Ортиқча том йўқ. Эл кўзига сотдик деб, Усмоналининг ҳовлисини...

— Сил ҳали тирик-ку,— деди Шерқўзи,— кутиш керак.

— Узоққа бормайди. Ҳовли масаласини унутма!

— Майли, аввал бу ёғини ҳал қилиб олайлик,— Шерқўзи элликбоши шундай шарт қўяди деб ўйламаган эди.

— Бу ёғининг ҳал бўлиши,— деб эслатди яна эллик-бсши,— у ёғига боғлиқ-да!

Шерқўзи элликбошининг шамасига маъқул дегандай бошини ликиллатди. «Эсон-омон ер қўлга кирса ҳам катта гап,— деб ўйлади Шерқўзи,— элликбоши ишимиз тушиб турадиган одам»

— Жиззакилик қилиб ишни бузиб қўйгансан-да,— деди Шерқўзи элликбоши билан келишилган режани хотинига тушунтираркан,— отасиникидан кўчиб келган кунги нағманг ошиб тушди. Рустамни ҳам бездириб қўйдинг. Сен тугул, мени кўрса ҳам ўзини олиб қочяпти.

— Бола яхши гапнинг гадоёи,— деди Сиддиқа буви «шунга ҳам ташвишми» ишорасини қилиб,— дабдурустан эмас-у, секин-секин қўлга олиб, ширин муомала билан бошини силаб, кўринмас занжир билан боғлаб олишнинг эви бор. Айниқса сиз...

Бу режанинг ушалиши хом хаёлга айланиб қолди. Рустамжон амакисига қорасини кўрсатмасди. Чақирса онасининг ёнига чопарди. Сиддиқа бувини бўлса, кўрарга кўзи йўқ, ахир онасини озмунча хафа қилдими у?! «Улардан бой бува тузук,— Рустамжоннинг мурғак кўнглидан баъзан-баъзан шу ўй ўтади,— бувимни ҳам, мени ҳам йиғлатишмайди». Рустамжоннинг этак тутқизмаётгани Шерқўзиларнинг фиғонини чиқарарди. Ҳеч нарсанинг уддасидан чиқолмаганликларидан эру хотин тез-тез гиди-бидига бориб, ўчларини бир-бирларидан олишарди. Зўрлик қилгани қўллари калта! Тилёғламалик иш бермаяпти. Сиддиқа буви ўзининг тезоблигини қарғаб кўнгил сўраб, Шаҳринисоникига танда қўйгани билан суҳбатлари қовушмас, Сиддиқа буви суйкалган сари Шаҳринисо тундлашарди.

— Муштдай болани бойнинг хизматига солиб қўйганингиз ғалати бўляпти,— Сиддиқа буви гаплари қовушмаса ҳам ўзини Рустамжонга куюнаётган қилиб кўрсатарди.— Қўйинг, бола бечорага жабр қилманг. Ўз уйи, ўз ери бўлатуриб...

— Майли, кўзи пишади. Биласиз-ку, бойларнинг ўзи ҳам одам бўлсин деб, фарзандларини бегоналарга қаролликка топширади,— Сиддиқа бувининг чиқишидан, уни кўришдан юраги безиллаб қолган Шаҳринисо совуққина жавоб берди.— Бой буванинг ёрдами билан еримизни экиб олдик. Жўхоримиз бўлиқ бўляпти.

— Уша ёрдамни бу киши беролмасмидилар,— меҳ-

рибончилик изҳор этди Сиддиқа буви.— Ҳали ҳам кеч эмас.

— Шу ҳақда гаплашмайлик, кўнглим озиб кетди,— Шаҳринисо сўзни кесди.— Овсин, ҳамманинг ҳам ўз кўзи, ўз боши бор.

Шаҳринисонинг бу гапи Сиддиқа бувига худди шапатайдай тегди. У гили айланиб, кўзини ерга олди. Кўчадан илдам келган Рустамжон ичкарида Сиддиқа бувини кўриб, остонадан оёғини олиб, изига қайтди. Сиддиқа буви бу ерда ўзининг ортиқчалигини билиб — билмасликка олгани билан иззат-нафси койиди. У Шаҳринисога кўз ташлади, у ҳам қараб турган экан. Шаҳринисонинг кўзлари «одам ҳам шунчалик сур бўларкан, бу кунингдан ўлганинг яхши» деяётгандай, одам кўрса чўчийдиган шундай бемор ҳам унинг устидан кулаётгандай. Миясини лўқиллатган шу ўй Сиддиқа бувининг юрагини чимдиди, у фотиҳа тортишни ҳам унутиб, чиқиб кетди.

— Нимага кирибди?— деб сўради Рустамжон эшикдан кириб келибоқ.— Хафа бўлмадингизми?

— Йўқ,— деди Шаҳринисо ўғлининг катталардай муомаласидан кўнгли кўтарилиб,— ўз қилмишларидан ўзлари уялиб юришибди.

— Уни ёмон кўраман,— Рустамжон ҳамон ўша оҳангда гапирарди,— ундан бой буванинг хотини минг марта яхши!

— Хафа бўлганингни уларга билдирма,— деди ўйга толган Шаҳринисо.

— Нимага?

— Ахир улар қариндошинг,— деди яна Шаҳринисо,— охири топишиб кетасизлар.

— Ўзингиз ҳам ёмон кўрасиз-ку?

Шаҳринисо ўғлига бир нималар демоқчи бўлди-ю, бошқа сафарга қолдирди. Она-бола нон-чойдан кейин далага отланишди. Бошига олача рўмол ташлаб, юзини беркитиб олган Шаҳринисо ўтган кунни отаси келтириб берган янги, ихчам кетмонни, Рустамжон эса ейиляейила бир парча бўлиб қолган кетмонни кўтариб, ариқ ёқалаб боришаркан, кўзи тушган таниш-билишлар орқаларидан «тавба» деб қўйишарди.

— Дард бошқа, ўлим бошқа экан-да,— дейишарди улар,— Шаҳринисонинг шунчалик бўлиб қолиши кимнинг хаёлига келувди?

— Шаҳринисо жўхорини ўзи суғоряпти.

— Шаҳринисо ўғлини ёнига олиб, жўхорисининг тагига тупроқ уялагани чиқибди.

— Бошида эри бўлмагандан кейин нима қилсин шўрлик?!

— Одамнинг жони ҳам қаттиқ бўлар экан-да!

Қишлоқда ана шу мазмундаги гаплар айланиб юрарди. Шаҳринисонинг далага чиққани кимларнингдир ёқасини ушлатса, кимларнингдир раҳмини келтирарди. «Узиликиб қолманг» деб, қўярда-қўймай қўлдан кетмонини олиб қарашганлар ҳам бўлди.

— Сенга айтдим-ку ўғлим,— деди Шаҳринисо кеч-қурун дастурхон устида,— одам бўшашишга йўл бермаса, бутун вужуди билан интилса — ҳамма дардни енгади, бувим ўлиб қолади деб қўрқувдинг.

— Энди ҳамма ишни ўзим тинчитаман,— Рустамжон севинчидан нима дейишни билмасди,— катта бўлиб қолдим-ку!

• — Баракалла, ўғлим,— Шаҳринисо ўғлининг эслиҳушли бўлиб бораётганидан кўнгли тоғдай кўтарилган эди. У ўғлини ҳар қандай машаққатга чидамли қилиб ўстиришни ўйларди. Шаҳринисо вақти билан: «Мен нима учун ўлмадим. Эҳтимол даданг ҳаёт бўлганда, ҳозир унинг ўрнида мен ётармидим», деб ва яна алланималарни мағизли қилиб тушунтиришни кўнглига тугди.

Бойдан ҳам одам сўрамай, жўхорини эл қатори қайириб олишди. Ун икки турмак бош чиқди. Утган йилгидан иккита ортиқ. Жўхори поясини икки ҳовли наридаги қўшнисига тиккасига сотиб, қишлик кийим-кечакка сарфлашди. Икки турмак жўхорининг пули ҳам шунга кетди. Буни кўриб бойнинг ҳам, Шерқўзиларнинг ҳам дами ичида қолди. Шаҳринисо бойнинг катта хотини орқали: «Яхшиликларни унутмаймиз, ранжимасинлар», деб Рустамжонни сўраб олди.

«Рустамжон ўз ўғлимдай бўлиб қолди,— дебди бой,— қачон истаса эшигимиз очиқ. Йигит бўлса уни ўзим уйлантириб қўяман».

Рустамжон бойнинг хизматидан чиққан бўлса ҳам қўли бўшаганида бориб, ўтларидан кириб — куллари-дан чиқиб турди. Жўхорипояни кетмон билан ағдарма қилишга қурбилари етмай, бир елпиштовок жўхорига қўш ёллашди. Шаҳринисонинг ҳам соғлиги, ҳам рўзғори ўнғарилиб борган сари қўранинг нариёғидагилар шунча куюнишарди.



— Шу ерда қишлайсизларми?— анчадан буён оёғи тийилиб турган Шерқўзи ҳол сўраб кирди.

— Ҳа!

— Яхши ўйлабсизлар, опа,— деди Шерқўзи. У ўзини қаёққа уришни билмай турган Рустамжоннинг биллагидан ушлаб, ёнига ўтқазди.— Акамдан биттаю битта шу тирноқ қолди,— деди у яна Шаҳринисога юзланиб,— уни хафа кўрсам ёруғ дунём қоронғулашади.

— Ҳозир уни ҳеч ким хафа қилгани йўқ,— Шаҳринисо ён бермади.— Мана, мен, бобоси, бувиси, холалари бор. Усти бут, қорни тўқ.

— Бизниқига кириб тургин,— Шерқўзи гапни бошқа тарафга бурди.— Истасанг, эртага балиқ овига олиб бораман.

— Борайми?— онасидан сўради Рустамжон балиқ овига қизиқиб.

— Қани, эрта бўлсин-чи,— Шаҳринисо ўғлининг қизиқаётганини ўйлаб, кўнглида майли деса ҳам, Шерқўзига илиқ сўз айтгиси келмади. «Баъзи одамларга ҳайрон қоласан,— ўйларди у,— ичида сўкиниб, тили билан суяди, ялаб-юлқайди. Шундайлардан кўрққилик».

Орадаги жимликни Ҳамроқул бойнинг қўшчиси Раҳим лайлакнинг «Рустамжон» деб йўқлаган овози бузди. Рустамжон югуриб чиқиб, дарров қайтди. Бой бува сўраётганини айтиб, Раҳим лайлакка етиб олиш учун шошилди. «Ҳа, эртага тоғдан бойнинг қўйлари қайтади,— йўқлатиш боисини билди Шаҳринисо,— қўраларни тузатишга қарашгани чақирган». Шерқўзи эса, ўзича ҳар хил хаёлларга бориб, кўнглига гўлгула тушди. Гап йўқ, сўз йўқ ўтириш ноқулай бўлиб, туришга ижозат сўради. Шаҳринисо худди шунини кутиб тургандай, фотиҳага қўл кўтарди. Шерқўзи баланд қўранинг нариёғига ўтиб панада Рустамжоннинг қайтишини кутди. Уйга кирди, ташқарига чиқди. «Келган бўлса, кўрмай қолдиммикин», деб қўрадан бир-икки бўй чўзиб қулоқ тутди. Қоронғи туша бошласа ҳам Рустамжоннинг шарпаси эшитилмади. Тикка туравериш оёғи толган Шерқўзи энди уйининг остонасидан ўтувдики, қадам товуши эшитилди. Қўра ёнига оёқ учиди келиб, мўралади. Эшмат ота эшагини устунга боғляпти. «Ҳали бу имонсиз чол ҳам бор,— дилида сўкинди Шерқўзи,— ёши бир жойга бориб қолган-у, бало-қазодай юрибди». Ота-боланинг сўрашишлари барада эшитилиб турарди.

— Шаҳри, — деди Эшмат ота, — ров кўргани келдим. Рустамжон келса кўраману қайтаман. Теракларни кесдириб қўйдим. Баҳор келиши билан уйингни янгилаймиз.

Ҳовли бетидаги эшакни кўриб, Рустамжон ичкарига уқдай учди. Шерқўзи уни кўриб, қорама-қора кириб боргиси келди-ю, баҳона тополмади. Бунинг устига анови чолнинг олдида суриштириб бўлмайди. Бой Рустамжонни нимага чақиртирдийкин? Шерқўзининг гинчини шу савол ўғирлади. Энди у Эшмат отанинг кетишини пойларди.